



Published 2021-10-28

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ҲАЙВОНЛАР КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

pdf

Abstract

Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолиси томонидан бир неча асрлар давомида муқаддас деб зиёрат қилиб келинаётган ҳайвонлар култи ва уларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ айрим муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлари тўғрисидаги халқона қарашлар ва уларда ўтказиладиган маросимлар хусусида фикр юритилган. Шунингдек, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги қарашлар замирида ибтидоий диний тасаввурлар таркибига кирувчи тотемизм, анимизм ва фетишизмга хос бўлган урф-одатлар ҳам сақланиб қолинганлиги эътироф этилган.

Authors

Farrux Akchayev

Jizzax davlat pedagogika instituti

Keywords:

Жиззах воҳаси, тарихий-этнографик минтақа, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар, Ҳайвон култи ва уларни

Make a Submission

##plugins.block.information

[Для читателей](#)

[For Authors](#)

[For Librarians](#)

[General information](#)

[Publishing ethics](#)

[Indexing](#)

[Requirements to abstracts](#)

[Requirements to keywords](#)

[Requirements to titles](#)

[Requirements to tables and](#)

Maqola o'tish quyidagi link orqali amalga oshiriladi:

<https://history.jspi.uz/index.php/history/article/view/3061>

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ҲАЙВОНЛАР КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Акчаев Фаррух Шавкатович (*Жиззах ДПИ Тарих ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси*)

Юртимизда бугунги кунда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудуд бўлиб, воҳани минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни ва Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги сабабли ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро уйғунлашган ҳолда шаклланган макон сифатида қайд этиш мумкин. Шу боисдан ҳам ҳозирда Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини анъанавий халқ маданиятининг феномени тарзида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрларига кўра муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни таснифлаш борасида турли қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, шу йўналишда тадқиқот олиб борган олимлардан Н. Абдулахатов водийда мавжуд бўлган муқаддас қадамжоларнинг географик жойлашувига кўра тўрт гуруҳга ажратган бўлса¹ (Марғилон, Қўқон, Фарғона ва Сух ҳудудларига хос зиёратгоҳлар), З. Абидова эса Хоразм воҳасига доир зиёратгоҳларнинг тарихий келиб чиқишига эътибор қаратган ҳолда саккиз гуруҳга бўлиб таснифлаган (пайғамбарлар номи билан аталадиган, саҳобалар ва уларнинг издошлари билан боғлиқ, турли касбларнинг ҳомий пирлари номлари билан ҳамда табиат кучлари билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳлар)².

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини ҳам географик ва тарихий келиб чиқишига кўра таснифлаш мумкин. Шу билан бир қаторда, айрим хусусий ҳолатлар ҳам борки, буларни инобатга олмаслик муқаддас қадамжоларнинг воҳага хос кўринишларини очиб бериш имконини чеклайди. Муаммони жой номи билан, муқаддаслаштирилган ҳайвонлар билан боғлиқ томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари воҳа зиёратгоҳларини халқ қарашлари, тасаввурлари, жойлашган ўрни ва функциясидан келиб чиқиб, муқаддас саналган булоқлар, дарахтлар, тошлар ва ғорлар билан боғлиқ яна бир қанча кичик гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин. Шунингдек, мавжуд зиёратгоҳларнинг халқ орасидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, республика, вилоят, туман ва маҳаллий каби шаклларга ажратиш мумкин. Юқорида келтирилган сабабалар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда Жиззах воҳасига оид зиёратгоҳларни кўйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб билдик:

1. Авлиёлар ва диний уламолар билан боғлиқ зиёратгоҳлар;
2. Табиат мўъжизаси ва географик объектлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар;

¹ Абдулахатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном. учун дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 14.

² Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: тар. фан. бўйича фал. док. (PhD) учун дисс. автореф. – Тошкент. – Б. 16.

3. Ҳайвон култи ва уларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёртгоҳлар.

Қуйида биз Жиззах воҳасининг ҳайвон култи ва уларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ айрим муқаддас қадамжо ва зиёртгоҳлари тўғрисидаги халқона қарашлар ва уларда ўтказиладиган маросимлар хусусида фикр юритамиз.

Бутатош вали зиёратгоҳи. Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳда буталоқни эслатувчи маҳаллий аҳоли ўртасида муқаддас саналган тош мавжуд. Тош атрофини 3x3 кв.метр ҳажмдаги оддий кўринишдаги айвонли хонақоҳ ўраб туради. Зиёратгоҳ худуди тахминан 1 гектарни ташкил этиб ҳудуд манзарали дарахтлар ва гуллар экилиб ободонлаштирилган³.

Маҳаллий аҳоли вакиллариининг таъкидлашларича Тожикистон Республикаси Шаҳристон тумани Холдорқипчоқ қишлоғида Туятоши вали зиёратгоҳи бўлиб бу ерда жойлашган Бутатош вали зиёратгоҳи шу билан боғлиқ экан. Туятош ва Бўтатошлар авлиё ёки авлиёларнинг туяси деган қараш мавжуд. Зиёратгоҳни вужудга келиши тўғрисида аҳоли ўртасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган.

Туятош болалари билан динни тарғиб қилиб юрган пайтида уни душманлар таъқиб қилиб ўлдириш мақсадида қувлашади. Шунда Туятош Аллоҳга илтижо қилиб, душманлар унга зарар етказа олмаслиги мақсадида фарзандига қарата “Тош бўл” дейди ва фарзанди бўталоқ кўринишидаги тошга айланиб қолади.

Аҳоли ушбу тошни бир неча маротаба сел оқизиб кетмаслиги учун жойидан бироз тепароқга кўчиришган, аммо тош яна ўз ўрнига қайтиб келаверган. Маҳаллий аҳоли ушбу зиёратгоҳга фарзандли бўлиш, тутқаноқ ва жин чалди касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида келиб, пахта пиликли чироқ ёқишади, хайри эҳсон сифатида эса ўзлари билан олиб келган оқ матони тош устида қолдириб кетишади⁴.

Қоплон ота зиёратгоҳи. Зомин туманининг Қовункесди ва Бешбулоқ қишлоқлари оралиғида жойлашган. Тарихчи олим Алексей Грицина “Қоплон ота” зиёратгоҳи пайдо бўлиши ҳақида шундай афсонани келтиради. “...Шу атрофда яшайдиган бир чўпон “қашқаси бор бир кўзини худойи қилиш”ни кўнглига тугибди.

Бир қанча вақт ўтиб, кўзи катта бир кўчқорга айланибди-ю чўпоннинг кўнглидан “мен кўзи худойи қилишга ваъда берувдим, шунинг учун бу кўчқорни бозорга олиб бориб сотиб иккита кўзи оламан-да, бирини худойи қиламан-у, бирини кўтонга кўшиб юбораман” деган ўй ўтибди.

Кўчқорни сотгани бозорга ҳайдаб йўлга тушибди. Шу атрофга яқин жойда “Кўчқор ота” деган жой ҳам бор. “Қоплон ота”га келганида қаёқдандир забт билан пайдо бўлган бир қоплон ҳалиги кўчқорни белига ўнгариб тоққа чиқиб кетибди! “Капалаги учиб кетган” чўпон кўрқиб-писиб уйига қайтиб келиб кўрган-билганини қишлоқдошларига айтиб берибди. Уч-тўртта ботир қишлоқдошлар айтилган манзилга келиб қарашса, ҳалиги кўчқор мўъжаз булоқ бўйида кекса тут дарахти остида бўйнидан боғланган ҳолда тик турган эмиш! Қора қоплон эса ҳеч жойда кўринмасмиш. Шу куни қишлоқдошлар йиғилиб ўша жойда кўчқорни сўйишиб худойи қилишибди. Чўпоннинг иши шу кундан бошлаб ўнгланибди, шу атрофнинг энг бой кишисига айланган экан”. “Қоплон ота” зиёратгоҳи худудида сағана бўлиб,

³ Дала тадқиқотлари. Янгиобод тумани, Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил июль.

⁴ Поччаев Саидхўжа 54 ёш. Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғи, Абузар жомъе масжиди имом хатиби. 2014 йил, июль.

уни Аҳмад ибн Сайф Бурҳониддиннинг қабрлари шу жойда, деган қараш мавжуд. Манзилгоҳдаги шифобахш саналган булоқ атрофида, минг йиллик кекса тут ва тол дарахтлари жойлашган⁵.

Хўроз ота зиёратгоҳи. Зомин туманининг Туркман қишлоғининг тоғ томонга кетадиган торроқ йўлак буйидаги қирда жойлашган бўлиб, бу зиёрат масканини вужудга келиши билан боғлиқ маҳаллий аҳоли ўртасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Ушбу қишлоқда яшовчи Туркман уруғининг бир шахобчаси Чувиллоқ уруғи асосчиларидан бири бўлган Дўстназар чол узоқ йиллар давомида фарзанд кўрмайди. Бир куни ушбу зиёрат маскан олдидан ўтаётганда келинчак қиёфасидаги бир аёл пайдо бўлиб ушбу кишига 6 дона кулча беради. Ушбу воқеадан сўнг Аллоҳ Дўстназар чолга 6 та ўғил беради. Ҳозирги кунда ушбу қишлоқда яшовчи Туркман уруғининг 3/2 қисми шу отадан тарқалган⁶. Бу ерга зиёратчилар асосан оилавий маросимларни ўтказиш учун ташриф буюради куз ойларида 10 тагача мол суйиб қурбонлик қилишади. Яна ўзига хос маросимий хусусияти шундан иборатки ушбу жойга бир дона чироқ ёқишади⁷.

Новқа ота зиёратгоҳи. Бахмал туманининг жанубий-шарқида, Туркистон тоғ тизмалари этагидаги Новқа қишлоғининг кўҳна “Новқа ота” қабристонининг ёнгинасида, “Новқа ота” зиёратгоҳи жойлашган.⁸

Ўлкашунос Оға Бургутлининг таъкидлашича, зиёратгоҳнинг “Новқа ота” дея номланишини кўпроқ “Нақъатун” (арабча) - яъни “туя” маъноси билан боғлашади. Илмий адабиётларда жуда кўп бор дуч келганимиз - Наукат, Науқат, Навқанд, Навқад (Навқадий) атамалари ҳам айнан шу заминга тааллуқли. Маҳаллий аҳоли ўртасида зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагича ривоят бор: “...Балх шаҳридан йўлга чиққан бир туя хомиладор аёлни олиб келиб шу жойга чўқади. Бола туғилиб тирноқлари билан ерни тирнаса сув сизиб чиқади ва бола балиққа айланиб кетади...”.

Қишлоқ ҳудудида “Норчўкди” деган жой номи бор. Бу жойда яқин-яқингача кичик бир тепалик бўлиб, қишлоқ одамлари бу тепаликни “ривоятдаги аёл туясини чўқтирган жой ва айнан туянинг қолдиғи” деб уқтиришар, чунки тепаликка узоқдан қаралса, ҳақиқатдан ҳам худди чўкиб ётган туяга ўхшаб кетарди⁹.

Ўлкашунос Саййид Азимнинг “Бахмалнома” китобида шундай жумлалар келтирилган: “Уструшона давлати таркибидаги шаҳарларнинг бири ҳозирги Новқа булоғи атрофида бўлганлиги бу шаҳар “Науқат” деб аталганлиги, у Сўғддан Шошга ўтадиган ёзги қарвон йўли ёқасида жойлашганлиги ва Науқат шаҳри XIII асрда Марказий Осиёни мўғуллар босиб олганидан кейин бузилиб кетган”¹⁰лиги қайд этилган.

Бизнинг бу борадаги кузатишимизча, мазкур зиёратгоҳ ҳудуди қадимда зардуштийлик динининг маросимлари ўтказиладиган жой бўлган. Чунки, шаҳарсозлик маданияти тўғрисидаги маълумотлар шундан дарак берадики, маълум

⁵ Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари.-Т.: 2008 й. Б-32.

⁶ Салимов Холмурод 66 ёш. Зомин тумани Туркман қишлоғи. 2016 йил, апрел.

⁷ Дала тадқиқотлари. Зомин тумани Туркман қишлоғи. 2016 йил, апрел.

⁸ Дала тадқиқотлари. Бахмал тумани, Новқа ота қишлоғи, Новқа ота зиёратгоҳи. 2014 йил, август.

⁹ Оға Бургутли.Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Т.:2008 й. Б-9.

¹⁰ Саййид Азим. Бахмалнома. Жиззах.: “Сангзор” нашриёти. 2001. Б.59-60.

бир ҳудуд шаҳар деб аталадиган бўлса, унда албатта ибодатхона бўлган. Новқа ота зиёратгоҳига туташ қадим қабристон ҳудудида эрамизнинг бошларига оид тош соатларнинг ҳозиргача сақланиб қолганлиги, демакки, шаҳар бўлганлиги ва унда зардуштийлик ибодатхонаси жойлашганлигига ишора.

Археолог М.Пардаевнинг тадқиқотларида Новқа ота зиёратгоҳининг шимолий-ғарбий қисмида, сойнинг чап қирғоғида жойлашган VI-VIII асрларга оид Навкат археология ёдгорлиги ҳақидаги фикрлар мавжуд. Тадқиқотчининг фикрича, “Навкат” сўғдча атама бўлиб, “Нав”-янги, “кат”, “кет”, “кент”-“қишлоқ”, “қўрғон” маъносини англатган. Демак, “Новқа” сўзи аслида Навкат, Навкет, Навкент атамасидан ҳосил бўлган ва Янгикент, Янгиқишлоқ, Янгиқўрғон маъноларини англатади¹¹.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, ҳайвонларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг вужудга келиши, кўп ҳолларда ўша ҳайвонни маҳаллий аҳоли орасида культ даражасига кўтарилиши ҳамда айрим авлиёларга нисбат берилиши натижасида вужудга келган. Бу каби зиёратгоҳларда асосан қадамжо ҳайвон номи билан аталади. Бу ҳайвонларнинг зиёратгоҳга қай даражада алоқадорлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Айрим ривоят ва асотирларда бундай номлар чорвадор аҳоли қатламининг фаолияти натижасида юзага келгани борасида фикрлар учрайди.

Воҳа зиёратгоҳларини маълум тизимга солиш асосида ўрганиш, уларга хос хусусиятларни тўлақонли очиб бериш ва ўхшаш ҳамда фарқли томонларини кўрсатиш имконини беради. Жиззах воҳасига оид қадамжо ва зиёратгоҳларни тузилиши ва жамиятдаги функцияси бошқа ҳудудлар билан ўзаро муштарак ҳолда шаклланган бўлсада, уларнинг вужудга келишига оид қарашлар, у ерда бажариладиган маросимлар воҳа аҳолисининг ҳудудий қарашларини, ижтимоий турмуш тарзи ҳақида тасаввурларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹¹Пардаев М.Х. Отчет Джизакского отряда по Бахмалскому району Джизакской области за 1986 год. Архив института Археологии АНРУз. Самарканд, 1987.

